

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМИРЗАЕВ УТКИРБЕК ПАХЛАВОНОВИЧ

**МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИДА НАЗОРAT
ҚИЛУВЧИ ШАҲСЛАРНИНГ ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ
МАЖБУРИЯТЛАРИ БУЙИЧА ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар буйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD)
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Холирзаев Уткирбек Пахлавонович

Миллий ва чет эл корпоратив ҳуқуқида назорат қилувчи шахсларнинг
ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги.....

3

Холирзаев Уткирбек Пахлавонович

Ответственность контролирующих лиц по обязательствам
хозяйственных обществ в национальном и зарубежном корпоративном
праве

25

Kholmiraev Utkirbek Pakhlavonovich

Liability of controlling persons for the obligations of corporations in national
and foreign corporate law

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019. Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМИРЗАЕВ УТКИРБЕК ПАХЛАВОНОВИЧ

**МИЛЛИЙ ВА ЧЕТ ЭЛ КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИДА НАЗОРАТ
ҚИЛУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ
МАЖБУРИЯТЛАРИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тadbиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD)
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Ватирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Үч478 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Имомов Нуридло Файзуллаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қараходжаева Дилором Мамировна
юридик фанлар доктори, профессор

Юлдашев Жаҳонгир Иномович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үч.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 25 август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (974-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36)

Диссертация автореферати 2021 йил 10 август куни тарқатилди.

(2021 йил 10 августдаги 9-рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

[Handwritten signature]

Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

[Handwritten signature]

С.С. Гулямов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бозор муносабатлари трансформацияси, пандемия шароитида вужудга келган мураккаб иқтисодий вазият натижасида хўжалик жамиятлари томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, хўжалик жамиятлари (корпорациялар)нинг назорат қилувчи шахслари томонидан жамиятни банкротликка олиб бориш ҳамда мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш билан чекланган жавобгарлик институтини сунистьёмол қилиш каби муаммолар келиб чиқмоқда. Бу вазият эса корпорацияларни назорат қилувчи шахслар – директорлар, иштирокчилар, манфаатдор шахслар томонидан корпорациянинг барча активларини чиқариб олиб, кредиторлар мулкий ҳуқуқларига зарар етказиш орқали ноқонуний фойда олишига, корпорация қарзларининг тўланмаслиги (асосан солиқ ва кредит қарздорлиги) ҳолатларининг кўпайишига олиб келмоқда. *Doing Business 2020* ҳисоботида кўра, дунё бўйича тижоратчи юридик шахслар (аксарияти хўжалик жамиятлари) банкротлиги ва тўловга қобилиятсизлиги натижасида улар томонидан тўланмай қолган қарзлар миқдори 55%дан ортиқни ташкил этмоқда.¹ Бундай мураккаб муаммони назорат қилувчи шахсларнинг корпорация қарзлари бўйича жавобгарлиги механизмларини такомиллаштириш орқали ҳал қилиш мумкин.

Жаҳонда мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини, назорат қилувчи шахсларнинг ўз ҳуқуқларини сунистьёмол қилиши ҳамда гайриҳуқуқий ҳаракатларидан корпорациялар ва кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи механизмларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд ҳуқуқ-тартиботлар ушбу мақсадда назорат қилувчи шахсларни корпорация қарзлари бўйича адолатли жавобгарликка тортишни назарда тутувчи турли доктриналар, назариялар, ёндашувлар, концепциялар ишлаб чиқилмоқда: инглиз ҳуқуқида «piercing corporate veil» – корпоратив пардани ечиш доктринаси (ва бошқа шу мақсаддаги концепциялар), континентал Европа ҳуқуқида – “ёриб ўтувчи жавобгарлик” («*Durchgriffshaftung*»), юридик шахс фаолиятига зарар етказганлик учун жавобгарлик «*Existenzvernichtungshaftung*» (Германия), “ёлгон кўриниш назарияси” («*Theorie de l'apparence*») (Франция).

Мамлакатимизда хўжалик жамиятлари қарзлари бўйича назорат қилувчи шахслар жавобгарлиги мавжуд механизмларини (асосий жамиятнинг шўъба жамият қарзлари бўйича жавобгарлиги, таъсисчининг юридик шахс мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлиги), шунингдек кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон банкининг *Doing Business 2020* ҳисоботида кўра, 2020 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик соҳасида қарздорлик ундирилиши ҳолати 34,4%² ни ташкил этади (ривожланган

¹ Жаҳон Банки расмий сайтда *Doing Business 2020* ҳисоботи: <https://russian.doingbusiness.org/ru/data/doing-business-score?topic=enforcing-contracts>

² Жаҳон Банки расмий сайтда *Doing Business 2020* Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботи: <https://www.doingbusiness.org/en/data/explore/economics/uzbekistan>

мамлакатларда бу микдор 70%, дунёда ўртача 50%), бу эса кредитор ва инвесторлар ҳуқуқларини таъминлаш учун етарли эмас. Бундан ташқари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, юридик шахс қарзлари бўйича унинг таъсисчисини субсидиар жавобгарликка тортиш бўйича (2010-2020 йиллар) қўрилган 45 даъво аризаларидан фақат 2 тасигина (4%) қаноатлантирилган.¹ Қолаверса, хусусий мулк ҳуқуқи ва қаролатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролин кучайтириш масалалари иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Шунингдек, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳам долзарб масала бўлиб, “Шартномалар бажарилиши” ҳамда “Банкротликнинг ҳал этилиши” каби мезонлар бўйича тегишли стандартларга эришиш учун назорат қилувчи шахслар жавобгарлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти инглиз-америка ва континентал Европа ҳуқуқнинг ривожланган ҳуқуқ-тартиботларида ҳўжалик жамиятлари назорат қилувчи шахслари жавобгарлигининг доктринал асосларини, назарий ва амалий жиҳатларини миллий ҳуқуқ билан қиёсий ўрганишга қаратилган. Мазкур тадқиқот муайян даражада Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизминини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони, 2019 йил 1 февралдаги “Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4146-сон, 2018 йил 23 ноябрдаги “Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4026-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1012-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди портали: <https://public.sud.uz/#1/sien/economy>

Муаммонинг урганилганлик даражаси. Назорат қилувчи шахсларнинг ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ масалалар миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Мазкур масалалар, шу жумладан, асосий жамиятнинг шўъба жамият қарзлари бўйича жавобгарлиги Х.Р. Раҳмонкулов, С.С. Гулямовлар томонидан алоҳида асарлар, илмий мақолалар ва монографиялар доирасида тадқиқ этилган. Шунингдек, И.Б. Зокиров, Ш.Ш. Шорахметов, О. Оқюлов, Д.М. Караходжаева, Н.Ф. Имомов, Ш.Н. Рузиназаров, Ж. Юлдашевлар ўз илмий асарларида юридик шахслар жавобгарлиги, зарар етказиш билан боғлиқ жавобгарлик асослари доирасида мазкур диссертация мавзусига яқин соҳаларда тадқиқотлар олиб борганлар.¹

Назорат қилувчи шахсларнинг ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги муаммолари МДХ мамлакатларининг тадқиқотчилари томонидан ўрганилган, масалан Е.А. Суханов ҳужалик жамиятлари юридик шахсияти ва унинг бекор қилиниш асосларини, Д.В. Ломакин асосий ва шўъба жамият жавобгарлиги масалаларини, А.В. Егоров ва К.А. Усачева Д.Д. Быканов, С.С. Покровский Германия ва инглиз ҳуқуқи билан қиёслаган ҳолда корпорациялар қарзлари бўйича назорат қилувчи шахслар жавобгарлиги масалаларини тадқиқ этишган.²

Шунингдек, назорат қилувчи шахсларнинг ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги масалалари ривожланган ҳуқуқ-тартиботларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан доимий ўрганилиб борилади. Шу жумладан, Reinier Kraakman, Henry Hansmann корпорация иштирокчиларининг чекланган ва чекланмаган жавобгарлиги муаммоларини, Murray Pickering, Karen Vandekerckhove, Robert Thompson, Andrew Keay, Peter B. Oh, P. Muchlinski, Bainbridge S.M., Paul Le Cannu, Phillip Lipton, David C. Donald Европа ва инглиз ҳуқуқ-тартиботларида корпорация мажбуриятлари учун унинг иштирокчилари жавобгарлигини қиёсий таҳлилини, Paul Davies директорнинг корпорация ва учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигини, Carsten Alting, Andreas Cahn, Holger Fleischer Германия ҳуқуқида назорат қилувчи шахслар жавобгарлиги масалаларини, R.A. Posner чекланган жавобгарликнинг нқтисодий ва ҳулқ-атворга оид муаммоларини тадқиқ этган.³

Юқорида келтирилган миллий олимлар тадқиқотлари асосан зарар етказиш натижасидаги жавобгарликнинг умумий асослари, асосий жамиятнинг шўъба жамият қарзлари бўйича жавобгарлиги каби мавзуларга бағишланган. Лекин назорат қилувчи шахсларнинг ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги масалалари, ушбу жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати, келиб чиқиши асослари ва унинг корпоратив ҳуқуқнинг принциплари билан мутаносиблиги, жавобгарлик ҳажмлари, исботлаш

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

² Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

³ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

стандартлари ва механизмлари каби жиҳатлари киёсий асосда тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, «Корпоратив қонунчиликни такомиллаштиришнинг истикболлари» номли илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади назорат қилувчи шахсларнинг ҳўжалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги масалалари, ушбу жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати, келиб чиқиши асослари ва унинг корпоратив ҳуқуқнинг принциплари билан мутаносиблиги, жавобгарлик ҳажмлари, исботлаш стандартлари ва механизмларини инглиз ва континентал Европа ҳуқуқининг ривожланган ҳуқуқ-тартиботлари билан киёсий ҳамда доктринал ва назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳўжалик жамиятлари иштирокчилари (акциядорлари) чекланган жавобгарлигининг ҳуқуқий ва ҳулқ-атворга оид асосларини комплекс ўрганиш;

назорат концепцияси ва назорат қилувчи шахслар тушунчаси, моҳияти, ҳуқуқий табиати, уларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлигини тадқиқ қилиш;

назорат қилувчи шахсларнинг ҳўжалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ҳуқуқий табиати, келиб чиқиши асослари ва заруриятини тадқиқ этиш;

инглиз ва континентал Европа ҳуқуқининг айрим ҳуқуқ-тартиботларида назорат қилувчи шахсларнинг ҳўжалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги бўйича доктриналар, концепциялар, ёндашувлар, қонунчилик ва суд амалиётини киёсий тадқиқ қилиш («*piercing corporate veil*», («*Durchgriffshaftung*», «*Existenzvernichtungshaftung*», «*Theorie de l'apparence*», субсидиар жавобгарлик каби доктрина ва ёндашувлар);

назорат қилувчи шахсларнинг ҳўжалик жамияти мажбуриятлари, шу жумладан асосий жамиятнинг шўъба жамията мажбуриятлари бўйича солидар ва субсидиар жавобгарлигининг назарий асослари ва суд амалиётини ўрганиш;

ҳўжалик жамияти иштирокчиси (акциядори)нинг жамият мажбуриятлари бўйича (банкротлик шароитида) субсидиар жавобгарлиги масалаларини ўрганиш;

ҳўжалик жамияти мажбуриятлари бўйича ижро органи (директор) жавобгарлигининг назарий ва қонунчилик асослари ҳамда унинг фидуциар мажбуриятлари, шунингдек суғий интеллект иши учун назорат қилувчи шахслар жавобгарлиги масалаларини тадқиқ қилиш;

назорат қилувчи шахсларнинг хўжалик жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш ва назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси ва бир қатор чет эл мамлакатларида назорат қилувчи шахсларнинг хўжалик жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Ўзбекистон Республикаси ва бир қатор ривожланган чет эл мамлакатларида назорат қилувчи шахсларнинг хўжалик жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек юридик фандаги коцепциялар, доктриналар, ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот олиб боришда тизимли-тузилмавий, диалектик, формал-юридик, тарихий-ҳуқуқий, қиёсий ҳуқуқий, мантикий (таҳлил, синтез, дедукция ва индукция), лингвистик, статистик каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

айрим назорат қилувчи шахсларнинг (директор, кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув аъзоси, ишончли бошқарувчи) ўз фидуциар мажбуриятларини бузганлик, айнан чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлик, белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик, жавобгарлик белгиланиши асослаб берилган;

айрим назорат қилувчи шахслар (жамият директори, кузатув кенгаши аъзоси, жамият бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи)нинг жамият ва акционерлар олдида жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган илриқ битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик учун жавобгарлигини белгилаш асослаб берилган;

агар айрим назорат қилувчи шахслар (бошқарув органлари, қарздорнинг муассиси (қатнашчиси) ёки мулкдори) томонидан қарздорнинг банкротлиги юзага келишига сабаб бўлган, уларни содир этиш пайтида мавжуд бўлган бозор шартларига ва иш муомаласи одатларига мувофиқ бўлмаган хатти-ҳаракатлар ёки битимлар содир этилган бўлса, бу ҳолат қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги ҳамда тегишли жавобгарликка сабаб бўлиши асослаб берилган;

юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахслар, юридик шахс бошқарув органлари аъзолари ва уларга мажбурий кўрсатма берилган имкониятига эга шахслар фидуциар мажбуриятлари мазмуни ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши, Фуқаролик кодексидан (48-моддаси) таъсисчининг юридик шахс қарзлари бўйича жавобгарлиги шартларининг нотўғри таркиби чиқариб юборилиши зарурияти асослаб берилган.

Тадкикотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

қарздорни назорат қилувчи шахснинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизликлари туфайли кредиторларнинг талабларини тўлиқ қоплаш имконияти бўлмаганда (банкротлик иши доирасида) назорат қилувчи шахсларнинг ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини белгилаш ҳамда мазкур низонинг банкротлик иши доирасида иқтисодий суд томонидан қўрилиши зарурати асослантирилган;

назорат қилувчи шахсларни жавобгарликка тортишда исботлаш стандартлари: айб ва сабабий боғланиш (ноқонуний ҳаракатлар ва жамиятнинг тўловга қобилиятсизлиги ўртасида) презумпцияси назарда тутилиши асослантирилган;

назорат қилувчи шахснинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизликлари туфайли кредиторларнинг талабларини тўлиқ қондириш имконияти бўлмаганда (банкротлик) назорат қилувчи шахсларни жамият қарзлари бўйича жавобгарликка тортишнинг муҳим асослари: бухгалтерия ёки бошқа юритилиши мажбурий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ёхуд уларда маълумотларни бузиб қўрсатиш; назорат қилувчи шахс томонидан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши; жамият манфаатларига қарши битим тузиш орқали жамият манфаатларига зарар етказиш; талаблар реестрига маълумот киритмаслик ёки нотўғри маълумот киритиш, жамият банкротлигига олиб келган бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар ҳисобланиши асослантирилган;

назорат қилувчи шахснинг айбига мутаносиб равишда жавобгарлик ҳажмини камайтириш мақсадга мувофиқлиги асослантирилган;

корпоратив гуруҳлар (компаниялар гуруҳи)га нисбатан назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши зарурати асослантирилган;

асосий жамиятнинг шўба жамият қарзлари бўйича солидар жавобгарлиги асослари ҳамда корпоратив гуруҳлар ҳуқуқи доирасида асосий жамиятнинг жавобгарлиги тўғрисидаги нормаларни унификация қилиш зарурати асослантирилган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги. Тадкикот натижаларининг ишончлилиги тегишли методологиядан фойдаланилганлиги, институтлар ва ривожланган ҳуқуқ тартиботлар тажрибасининг қиёсий таҳлили ўтказилганлиги, миллий ва хорижий суд амалиёти ўрганилганлиги, миллий ва хориж ҳуқуқи таҳлил қилинганлиги, тадкикот натижаларининг қонунчиликка киритилганлиги ва давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан тасдиқланган.

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадкикот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказишда, қонун ижодкорлигида, ҳужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича назорат қилувчи шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик нормаларини шарҳлашда, қонунларга шарҳлар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларга ўзгартиш ва қўшимларни киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш (суд) амалиётида, мазкур соҳада ишларни ҳал қилишда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида корпоратив ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Ҳужалик жамиятларининг қарзлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги тақлифлар ишлаб чиқилди ва жорий этилди:

айрим назорат қилувчи шахслар (жамият директори, кузатув кенгаши аъзоси, жамият бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи)нинг жамият ва акциядорлар олдида фидуциар мажбуриятларини бузганда, хусусан, чалгитувчи маълумот ёки билиб туриб ёлгон маълумот тақдим этилганда, ахборот тақдим этишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилганда зарар етказганлик учун жавобгарлигини ўрнатиш тўғрисидаги тақлифларидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 81-моддаси 6-қисмига Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 5 октябрдаги УРҚ-640-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 28 декабрдаги 25-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур тақлифнинг жорий этилиши назорат қилувчи шахсларнинг нотўғри маълумот тақдим этганлик учун жамият ва акционерлар олдидаги жавобгарлиги кучайтирилишини таъминлашга имкон берган;

айрим назорат қилувчи шахслар (жамият директори, кузатув кенгаши аъзоси, жамият бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи)нинг жамият ва акционерлар олдида жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган ириқ битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни тақлиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни тақлиф этганлик учун жавобгарлигини ўрнатиш тўғрисидаги тақлиф Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 81-моддаси 6-қисмига 2020 йил 5 октябрдаги УРҚ-640-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 28 декабрдаги 25-сонли далолатномаси) фойдаланилган. Мазкур тақлифнинг жорий этилиши назорат қилувчи шахсларнинг ҳужалик жамияти манфаатларига қарши битим тузганлик учун жамият ва кредиторлар

олдидаги жавобгарлиги кучайтирилишини таъминлашга хизмат қилган;

қарздорнинг бошқарув органлари, таъсисчи (иштирокчи) ёки қарздор мулкдори томонидан улар содир этилиши пайтида бозор шароитлари ва иш муомаласи олатлари (гайрихукуқий ҳаракатлар)га мос келмайдиган ҳаракатлар содир этилиши ёки битимлар тузилиши қарздорнинг банкротлиги вужудга келишига сабаб бўлган бўлса, бу ҳолат қасддан банкротлик асоси сифатида тан олинishi, тегиншли назорат қилувчи шахснинг юридик шахснинг мажбуриятлари буйича жавобгарлигига асоси бўлиши ҳақидаги тақлифдан Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидалари (Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарори билан тасдиқланган)нинг 35-банди 1-хатбошисига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 231-сон қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги 12/21-18-сонли маълумотномаси). Мазкур тақлифнинг жорий этилиши назорат қилувчи шахсларнинг банкротликка олиб келганлик учун юридик шахслар мажбуриятлари буйича жавобгарлиги белгиланишини таъминлашга ҳамда назорат қилувчи шахсларнинг чекланган жавобгарликни сунистеъмор қилиши олди олиншини таъминлашга имкон берган;

юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахслар, юридик шахсбошқарув органлари аъзолари ва уларга мажбурий курсатма бериш имкониятига эга шахслар фидуциар мажбуриятлари мазмуни ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши, Фуқаролик кодексидан (48-моддаси) таъсисчининг юридик шахс қарзлари буйича жавобгарлиги шартларининг нотўғри таркиби чиқариб юборилиши зарурияти ҳақидаги тақлифлар Фуқаролик кодексининг янги таҳрири лойиҳасининг 56, 60-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 мартдаги 12/21-12-сонли маълумотномаси). Мазкур тақлифнинг жорий этилиши юридик шахс ва унинг кредиторларини юридик шахс бошқарув органлари аъзолари (масалан, директор) ва назорат қилувчи иштирокчиларнинг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, мазкур илмий тадқиқот натижалари асосида Макс Планк халқаро ва қиёсий ҳуқуқ институтининг (Германия) гранти қозонилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича жами 10 та илмий иш, жумладан, 5 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари билан боғликлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг урганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғликлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «Назорат қилувчи шахсларнинг корпорация мажбуриятлари бўйича жавобгарлигининг зарурати, моҳияти ва юридик табиати» дсб номланган биринчи бобда чекланган жавобгарликнинг эволюцияси ва аҳамияти ҳамда хулқ-атвор билан боғлиқ ва ҳуқуқий жиҳатлари, назорат концепцияси, хўжалик жамиятларида назорат тушунчаси ва унинг субъектив таркиби, континентал-европа, англо-америка ва миллий ҳуқуқда назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги ҳуқуқий табиати, асослари ва зарурати таҳлил қилинган.

Диссертант қадимги Бобил (*paqaqqum*), қадимги Рим (*societas*), ўрта асрлардаги Италия “*comenda*” ва “*campgnia*”лари, немис ва француз ҳуқуқидаги ширкатларидан тортиб то замонавий тула ҳуқуқли субъектлар бўлган корпорациялар – хўжалик жамиятларигача бўлган корпоратив бирлашмалардаги чекланган жавобгарлик институти эволюциясини таҳлил қилган ҳолда айнан иштирокчиларнинг чекланган жавобгарлигига асосланган мустақил юридик шахс сифатидаги хўжалик жамиятлари (корпорациялар) концепцияси ҳуқуқнинг тадбиркорлик ва савдога қўшган энг катта ҳиссаларидан бири ҳисобланишини тан олади.

Бироқ диссертант чекланган жавобгарликни корпоратив қалқон сифатида ҳатто назорат қилувчи шахслар томонидан гайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этилганда ҳам ҳимоя қилиш, ахлоқий хатар (*moral hazard*) муаммоси вужудга келишига олиб келади ва бу назорат қилувчи шахсни қамроқ эҳтиёткор хулқ-атвор ва асоссиз таваккалчиликларга ундаши ҳақида тўхтаб келган. Тадқиқотчи деликт (зарар етказиш) доирасида корпорация қарзлари бўйича жавобгарлик унинг иштирокчисига юкланишининг иктисодий (хулқ-атвор) жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги илмий асосларини келтиради. Хўжалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги инвестициялар ва тадбиркорликка салбий таъсир ўтказмасдан, аксинча, хатарларни тақсимлашда харажатларни камайтириши тўғрисида хулосага келади. Шу билан бирга, муаллиф муаммоларни тадқиқ қилар экан, ҳуқуқий тизим ва умуман социумнинг инсофлилик, одиллик ва оқилоналик доирасидаги ахлоқий принципларига алоҳида эътибор қаратади.

Тадкикотчи инглиз (Англия, АКШ), континентал-европа (Германия, Франция, Россия) ва узбек ҳукукининг киёсий тахлили асосида дунёда кредиторлар манфаатларини химоя қилиш ва кредиторлар олдидаги корпорациялар жавобгарлигини тақсимлаш бўйича иккита асосий шартли моделлар: *ex post* (кейинги) назорат ва *ex ante* (дастлабки) назорат моделлари мавжуд эканлиги ҳақида тўхтамга келади. Биринчи модель *ex post* назорат умумий ҳуқуқ («*common law*») тизимида вужудга келган ва корпорация яратиш, капитализация (масалан, устав фонди) учун енгилроқ стандартларни назарда тутди. Лекин кредиторлар ҳуқуқларига зарар етказилганда, “корпоратив пардани ечиш” доктринаси доирасида назорат қилувчи шахслар суд тартибида корпорация қарзлари бўйича жавобгарликка тортилади. Континентал, асосан немис ҳуқуқида шаклланган *ex ante* назорат модели эса кредиторлар ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқлари кафолатлари дастлабки назоратини (яъни муайян миқдордаги устав капитали, текширув ва шу кабилар) назарда тутди. Бунда ҳуқуқ фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг иктисодий хавф-хатарларни баҳолашда чекланганлигини инобатга олиб олдиндан кафолат талаб этади. Ўзбекистон қонунчилигида ҳам шундай кафолат талаби 2019 йилгача мавжуд эди, ҳужалик жамиятлари устав капитали минимал миқдорларига талаблар бекор бўлиши билан, суд тартибидаги *ex post* назоратни шакллантиришнинг жиддий зарурати тугилгани таъкидланади.

Корпорацияларда назорат концепциясини таҳлил қиларкан, муаллиф уни корпорация ва назорат қилувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда назорат қилувчи шахслар жавобгарлиги ҳажмини адолатли тарзда белгилашга йўналтирилган, улар ўртасидаги ҳақиқий иктисодий муносабатларни аниқлаш усули сифатида кўради. Ҳуқуқ зарур шароит мавжуд бўлган, ҳаддан ортиқ назорат аниқланган тақдирда, корпорациянинг мустакил юридик шахсиятини инкор қилган ҳолда, назорат қилувчи шахс ва корпорацияни битта шахс сифатида қўриши мумкинлиги ҳақида хулосага келинган.

Тадкикотчи фикрича, корпорациянинг ҳаракатларини белгилашнинг фактик имкониятига эга бўлган ва деликт содир этган бўлса, бундай шахснинг расмий мақомига қарамасдан уни назорат қилувчи шахслар сифатида жавобгарликка тортилиши лозим, яъни иктисодий мазмуннинг шаклдан устулиги эътироф этилади. Муаллиф ҳужалик жамияти назорат қилувчи шахси тушунчасига таъриф беради, ушбу таърифга кўра, мустакил равишда ёки аффилиланган шахслар билан бирга юридик шахс (ҳужалик жамияти)нинг иродаси шаклланишига, қарорлар қабул қилинишига ҳал қилувчи фактик таъсир кўрсатиш ёки юридик шахс ҳаракатларини белгилаш имкониятига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс назорат қилувчи шахс деб таънинилади.

Диссерганг назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлигини англо-америка ва континентал-европа ҳуқуқидаги “корпоратив пардани ечиш” (*Piercing corporate veil*), “кириб борувчи жавобгарлик” (*Durchgrifshaltung*) ва корпоратив гуруҳлар ҳуқуқи доирасидаги жавобгарлик (*Konzernrecht*), корпорация яшовчанлик қобилиятини бузиб юборганлик учун деликт

жавобгарлиги концепцияси (Existenzvernichtungshaftung) ва бошқа турли доктрина ва концепциялари доирасида қиёсий таҳлил қилади.

Назорат қилувчи шахсларнинг хужалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича жавобгарлигининг турли доктрина ва концепциялари таҳлили асосида доктринал (X.Рахмонкулов, С.С. Гулямов, R. Kraakman, H. Hansmann, K. Vandekerckhove, P. Davies, E.A. Суханов, А.Егоров, К.Усачева, Д.Быканов) ва ҳуқуқий таърифлар (инглиз ва европа ҳуқуқи)дан келиб чиққан ҳолда, банкротликка олиб борганлик учун хужалик жамиятининг қарзлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги тушунчаси ва белгиларига таъриф таклиф қилинган. *Банкротликка олиб борганлик учун хужалик жамиятининг қарзлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги махсус корпоратив деликт бўлиб, назорат қилувчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида жамиятнинг тўловга қобилиятсизлигига ҳамда бу билан боғлиқ ҳолда кредиторларнинг мулкӣ ҳуқуқларига етказилган зарарни қоплашни назарда тутди. Бундай жавобгарликнинг шартлари ва асослари сифатида корпорациянинг тўловга қобилиятсизлиги, назорат қилувчи шахсларнинг гайриҳуқуқий қилмишлари, айб ва назорат қилувчи шахсларнинг гайриҳуқуқий ҳаракатлари ва тўловга қобилиятсизлик уртасидаги сабабий боғланиши тан олинади.*

Диссертант миллий ҳуқуқ доктринаси ва ривожланган ҳуқуқ тартиботлар тажрибаси (Буюк Британиянинг “Компаниялар туғрисида”ги Қонуни) асосида назорат қилувчи шахсларнинг хужалик жамияти олдидаги фидуциар мажбуриятлари (жамият манфаатларида инсофли ва оқилона ҳаракат қилиш)ни асослантиради ҳамда ушбу шахсларнинг ваколатлари доирасида ҳаракат қилиш, компания ривожига ҳисса қушиш, мустақил қарор қабул қилиш, оқилона эҳтиёткорлик, кўникмалар ва тиришқокликни намоён қилиш, манфаатлар тўқнашувидан қочиш, учинчи шахслардан фойда олмаслик, таклиф этилаётган битим ёки келишувдан манфаатдорликни маълум қилиш каби айрим фидуциар мажбуриятларни корпоратив қонуничликда мустаҳкамлашни таклиф қилади.

Диссертациянинг «Инглиз ва континентал-европа ҳуқуқининг айрим ҳуқуқ тартиботларида корпорация мажбуриятлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги» деб номланган иккинчи бобида англо-америка (Буюк Британия ва АҚШ) ва континентал-европа (Германия, Франция, Россия Федерацияси) ҳуқуқининг айрим ҳуқуқ тартиботларида банкротликка олиб борганлик учун корпорациянинг мажбуриятлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлигининг асослари ҳамда бу бўйича турли доктрина, ёндашувлар, концепциялар ва таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи олимларнинг асарлари, қонуничлик ва суд амалиёти асосида англо-америка ҳуқуқида “корпоратив пардани ечиш” (Piercing corporate veil) доктринаси назорат қилувчи шахслар корпоратив шаклини сунистеъмол қилган, улар томонидан шўъба корпорация ўз иродасига эга бўлмаган восита сифатида («mere instrumentality», «альтер эго» (alter ego), «илова» (adjunct), «агентлик» (agency), «канал» (conduit), «департамент» (department), «чўнтак» (pocket), «қўғирчоқ» (puppet), «сохтакорлик» (sham)) фойдаланилган деган тўхташга келгани таҳдирда корпорациянинг юридик шахсиятини ишқор

килиш ва назорат килувчи шахсларни корпорация қарзлари бўйича жавобгарликка тортишни назарда тутишни аниқлаган. АКШда мазкур доктринани қўллаган ҳолда назорат килувчи шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича даъволар судлар томонидан 48% ҳолларда қаноатлантирилиши келтирилган. Муаллиф суд амалиёти ва олимлар асарлари асосида корпоратив пардани ечиш доктринасини қўллашнинг учта асосий шартларини ажратиб кўрсатади: а) корпорациядаги ҳаддан ташқари назорат; б) назорат килувчи шахс (асосий жамият) нинг гайриконуний хулқ-атвори; в) тўловга қобилиятсизлик ва назорат килувчи шахс (асосий жамият)нинг гайриконуний ҳаракатлари ўртасидаги сабабий боғланиш.

Муаллиф, немис ҳукукида назорат килувчи шахсларнинг корпорация қарзлари бўйича жавобгарлиги масалаларини тадқиқ этаркан, Германия ҳукукида назорат килувчи шахсларнинг кириб боровчи жавобгарлиги: а) кириб боровчи (Durchgrifshaftung) жавобгарлик; б) корпоратив гуруҳлар ҳукуки доирасида (Konzernrecht)ги жавобгарлик; в) корпорация ҳаётга қобиллиги бузиб юборганлик учун деликт жавобгарлиги (Existenzvernichtungshaftung) концепциялари асосида амалга оширилиши ҳақида тўхтамга келади. Ҳозирги вақтда Германия судлари назорат килувчи иштирокчи (акционер)нинг кириб боровчи (Durchgrifshaftung) жавобгарлигини қўллашдан воз кечган. Германия федерал судининг «Trihotel» компаниясининг иши бўйича қарори немис ҳукукининг назорат килувчи шахслар жавобгарлиги бўйича янгича ёндашувни белгилаб берди: корпорациянинг фаолиятига ноқонуний аралашуш (бизнес таваққулчилиги қоидалари (business judgement rule)дан четга чиқиб) банкротликка олиб келиши назорат килувчи шахснинг корпорация мажбуриятлари бўйича деликт (зарар етказиш) асосида Германия Фуқаролик кодексининг 826-моддаси бўйича жавобгарликка тортишга асос бўлади (Existenzvernichtungshaftung концепцияси). Муаллифнинг қайд этишича, Германияда назорат килувчи шахсларнинг корпорация қарзлари бўйича жавобгарлиги масаласига оид энг асосланган ва оптимал ёндашув деликт ҳисобланиб, бу ёндашув миллий ҳуқуқ учун ҳам долзарб ва мақбул ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, муаллиф, ҳужалик жамиятларининг назорат килувчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида тўловга қобилиятсизлиги вужудга келганда Фуқаролик кодексининг 985-моддасидаги зарар етказиш (деликт) тўғрисидаги нормаларни (айбллик ва сабабий боғланиш презумпциясини ҳисобга олган ҳолда) қўллашни тақлиф қилади.

Франциянинг корпорация қарзлари бўйича назорат килувчи шахслар жавобгарлиги бўйича қонуночилиги ва суд амалиёти таҳлили асосида, муаллиф, уларни уч асосий турга ажратади: банкротлик (деликт) доирасида кредиторлар талабларини қаноатлантирмаслик ҳолатида банкротликка олиб борганлик учун директорнинг жавобгарлиги; шўба компания қарзлари бўйича асосий корпорациянинг жавобгарлиги; банкротликдан ташқарида ҳолатларда деликт асосидаги жавобгарлик (Франция Фуқаролик кодексининг 1382-моддаси). Француз ҳукукида корпорация қарзлари бўйича назорат килувчи шахслар жавобгарлиги вужудга келишининг умумий асослари: а) корпорация активларининг назорат килувчи шахслар активлари билан

аралашиб кетиши; (б) назорат қилувчи шахсларнинг корпорация панасида ўз манфаатлари йулида тижорат фаолиятини юритиши; (в) корпорация активларидан компания манфатларига қарши фойдаланиш, активларни олиб чиқиб кетиш; (д) ўз фойдаси йулида зарар келтирувчи операцияларни амалга ошириш; (е) бухгалтерия ҳисобидаги бузиб кўрсатиш ҳисобланади.

Муаллиф банкротлик иши доирасидаги юридик шахс – қарздорнинг қарзлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг субсидиар жавобгарлиги тўғрисидаги Россия Федерацияси қонунчилигини тадқиқ қилади. Диссертант мазкур жавобгарликнинг деликт ҳусусиятини қайд этаркан, қарздорни назорат қилувчи шахслар тушунчаси ва субсидиар жавобгарлик вужудга келиши асосларини ҳамда олимлар томонидан мазкур турдаги жавобгарликнинг юридик шахс концепциясини бузиб ташлашга йўл қўювчи номукамал механизм сифатидаги танқидларини таҳлил қилади. Шунингдек, деликт жавобгарлигига қарши субсидиар жавобгарлик тўғрисидаги олимлар (А.Егоров, К.Усачева) фикри келтирилади. Мазкур концепциянинг афзаллиги ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда, диссертант банкротлик тўғрисидаги қонунчиликка банкротликка олиб келганлиги учун юридик шахснинг қарзлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини киритишни таклиф қилади.

Диссертациянинг «Миллий корпоратив ҳуқуқда хўжалик жамиятлари мажбуриятлари бўйича назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги муаммолари ва истиқболлари» деб номланган учинчи бобида асосий жамиятнинг шўба жамият қарзлари бўйича солидар жавобгарлиги доирасида назорат қилувчи шахсларнинг жавобгарлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасида хўжалик жамиятлари қарзлари бўйича иштирокчилар ва бошқа назорат қилувчи шахсларнинг субсидиар жавобгарлиги, директорнинг фидуциар мажбуриятлари, жавобгарлигининг муаммолари ва такомиллаштириш масалалари таҳли қилинган.

Диссертант томонидан “асосий жамият - шўба жамият” иқтисодий-ҳуқуқий конструкцияси бир неча юридик шахсларни бошқаришда реал иқтисодий алоқалар ва таъсирни акс эттириши. назорат ва шўба жамиятнинг мустақиллиги мавжуд эмаслиги сабабли муайян ҳолатларда ҳолатларда асосий жамиятни шўба жамият қарзлари бўйича жавобгарликка тортиш механизминини яратиш учун мўлжалланганлиги асослангандирилган. Олимлар фикрларига асосан диссертант қайд этадики, солидар жавобгарлик. гарчи бундай жавобгарлик шўба жамиятнинг мустақиллиги ва ҳуқуқий субъектчилиги принцигига зид бўлса-да, кредиторларни асосий жамият (назорат қилувчи шахс)нинг инсофсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида ўрнатилганлигини қайд этган. Муаллиф фикрича, шўба жамиятнинг қарзлари бўйича асосий жамиятнинг солидар жавобгарлиги вужудга келиши асослари ва шартли қуйидагилар ҳисобланади: а) унинг “асосий жамият - шўба жамият” муносабатларида бўлиши; б) асосий жамият шўба жамиятга мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлиши (бу ҳуқуқ шўба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўба хўжалик жамияти уставида назарда тутилганида); в) шўба жамиятнинг

жамиятнинг жавобгарлиги асосий жамият кўрсатмаларини ижро этиш учун тузилган битимлар бўйича келиб чиқиши.

Диссертант кийинги таҳлил асосида бундай солидар жавобгарликнинг асосий муаммоларини аниқлайди: а) шартнома ёки таъсис ҳужжатларида мажбурий бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши тўғрисидаги талабнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги (бу жавобгарликни имконсиз қилади); б) ҳақиқий муносабатларни ўрнатиш асослари ва тартибларнинг мавжуд эмаслиги (фактик концерн, Германиядаги Konzernrecht аналог); в) горизонтал ўзаро аффилиланган корпорациялар гуруҳлари доирасида жавобгарлик механизмининг мавжуд эмаслиги.

Фуқаролик кодексининг 48-моддаси бўйича иштирокчи (мулкдор)нинг юридик шахс қарзи бўйича субсидиар жавобгарлиги шартларини суд амалиёти асосида таҳлил қиларкан, тадқиқотчи иштирокчини хатто у томонидан жиноят содир этилгани тақдирда ҳам мос келмайдиган шартлар сабабли жавобгарликка тортиш имконсизлигини қайд этади: таъсис ҳужжатларида мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқининг акс эттирилиши шартлиги, банкротлик ва ғайриҳуқуқий ҳаракатлар ўртасидаги сабабий боғланиш ва айб (тўғри қасд) презумпция назарда тутилмаслиги (Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туман судининг 2020 йил 9 мартдаги 2-1002-2006/91-сонли иши бўйича қарори асосида).

Диссертант назорат қилувчи шахслар (масалан, директор ёки ҳақиқий бенефициар)нинг банкротликка олиб борганлик учун ҳужалик жамиятининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини ўрнатовчи нормаларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтади. Кредиторлар ва фуқаролик муомаласининг инсофли иштирокчилари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда бундай жавобгарликнинг муҳимлигини эътироф этиб, фуқаролик ҳуқуқининг инсофлилик, одиллик ва оқилоналик принципларига асосланиб, континентал Европа (Германия) ва инглиз ҳуқуқининг ривожланган ҳуқуқ тартиботлари тажрибасини миллий ҳуқуқ билан қиёслаб, миллий ва хорижий тадқиқотчилар (Х.Р. Раҳмонкулов, С.С. Гулямов, R. Kraakman, H. Hansmann, M. Pickering, K. Vandekerckhove, P. Davies, R. Michaels, E. Суханов, А. Егоров, К. Усачева ва бошқалар) ишларини ўрганиб, диссертант, банкротлик доирасида ҳужалик жамиятини назорат қилувчи шахсларнинг (субсидиар) жавобгарлиги бўйича исботлашнинг махсус стандартларни ичига олувчи махсус қоидаларни ("Банкротлик тўғрисида"ги Қонун билан) ўрнатишни тақлиф қилади:

- жавобгарлик назорат қилувчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ҳужалик жамиятининг туловга қобилиятсизлиги вужудга келганда кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг истисно механизми сифатида вужудга келади;

- назорат қилувчи шахс деб мустақил равишда ёки аффилиланган шахслари билан бирга юридик шахс (ҳужалик жамияти)нинг продаси шаклланишига фактик таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлган ва қарорлар қабул қилинишига ҳал қилувчи таъсир ўтказа оладиган ёки унинг ҳаракатларини фактик белгилай оладиган юридик ёки жисмоний шахс таъин олинади (мазкур тушунча назорат қилувчи шахслар доирасини чекламайди,

ўз ичига иштирокчилар/акциядорлар, директорлар, бошқарув органи аъзолари, суд бошқарувчилари, фактик директорлар, асл бенефициарлар ва бошқаларни олади);

- гайрихукукий ҳаракатлар деганда субъектив ва объектив ҳуқуққа зид келувчи (бузувчи) барча ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), шу жумладан, ҳуқуқни суниестъ-мол қилиш (масалан, жамият манфаатларига қарши битим тузиш, активларни олиб чиқиб кетиш ва бошқалар) тушунилади;

- айб ва сабабий боғланиш назарда тутилади (презюмпция), исботлаш юки (маълум шартлар мавжуд бўлганда, масалан, бухгалтерия ҳисобининг мавжуд эмаслиги ёки унинг бузиб кўрсатилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилиши ва бошқалар) назорат қилувчи шахсга юклатилади (назорат қилувчи шахс, у аксини исботламагунича айбдор ва унинг ҳаракатлари тўловга банкротликка олиб келган деб ҳисобланади).

Бундан ташқари, тадқиқотчи Германия ҳуқуқи тажрибасига, шунингдек олим Р. Михаэльс (Ralf Michaels) асарларига асосланиб, жавобгарликка тортишда назорат қилувчи шахснинг гайрихукукий ҳаракатларини кредиторларнинг мулкӣ ҳуқуқларга зарар етказиш сифатида квалификация қилган ҳолда зарар етказганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар (Фуқаролик кодексининг 985-моддаси)ни қўллашни таклиф қилади.

